

## ИЖТИМОЙ ГЕРОНТОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-5-421-426>

Ш.М.Содикова

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси профессори,  
социология фанлари доктори

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада ижтимоий геронтологиянинг пайдо бўлиши, кексаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, унда кексаларнинг турмуш тарзи, янги шароитларга мослашиши, фарзандлараро муносабатлари, ижтимоий мавқеи, оиласдаги ўрни таҳлил этилган. Шунингдек, ота-онанинг фарзанди олдидағи бурч ва мажбуриятлари, фарзандларнинг ҳам ота-оналари олидадаги масъулияtlари тадқиқ этилган.*

**Калит сўзлар:** геронтология, ижтимоий геронтология, кексалик, қарилик, узоқ умр кўрувчилар, кексаларни ижтимоий ҳимоялаш моделлари.

## ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНОЙ ГЕРОНТОЛОГИИ

Ш. М. Содикова

Международная исламская академия Узбекистана  
профессор кафедры «Психология религии и педагогика»  
доктор социологии

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье основное внимание уделяется возникновению социальной геронтологии, вопросам социальной защиты пожилых людей, анализу образа жизни пожилых людей, их адаптации к новым условиям, их взаимоотношениям с детьми, их социальному положению и роли в семье. Также исследованы обязанности и обязательства родителей перед своими детьми, и обязанности детей перед своими родителями.*

**Ключевые слова:** геронтология, социальная геронтология, старение, старение, долгожители, модели социальной защиты пожилых людей.

## КИРИШ

Геронтология - (юононча gerontos – қария ва logos - фан) инсоннинг қариши тўғрисидаги фан. Ижтимоий геронтология – кексаларнинг демографик, ижтимоий-иктисодий, психологик, ахлоқий, маънавий жиҳатларини,

кексаларнинг турмуш тарзи, янги шароитларга ижтимоий мослашуви, ижтимоий мавқеи, оиласдаги ўрни ва роли ўрганади.

«Геронтология» кексалик ҳақидаги фан бўлиб, у фалсафа ва тиббиёт уйғунлигига юзага келган қадимий фанлардан биридир. Унинг пайдо бўлиши тиббиёт илми асосчислари Гиппократ ва Ибн Сино, файласуфлар Цицерон ва Сенека номлари билан боғлиқдир. Инсоният ўз тараққиётининг ilk давридан бошлаб унинг бутун тарихи давомида умрни узайтиришга интилди ва бу орзуни амалга ошириш учун доимо восита қидирди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маъно-моҳиятига қўра, геронтология – инсоният маданияти тенгдоши, у энг замонавий фанларнинг қадимииси ва қадимий фанларнинг замонавийси билан бир қаторда туради. Кексалик ҳақидаги фан барча даврларда олимлар яратган янги илмларни ўзида мужассамлантириди. Булар тиббиёт, физиология, фалсафа ва биология, психология, социология, демография ва этнография, тарих ва хуқуқшунослик бўлиб, кейинчалик геронтология биохимия, психоаналитика, психофизиология каби янги фан ютуқлари билан бойиди. Кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, қадрлаш, инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятига доир масалаларнинг методологик асоси қадимдан олимларни қизиқтириб келган. Маънавий меросимиз «Авесто»да ҳам кексаларни қадрлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш инсон ҳаётининг маъно-мазмунини белгилайдиган муҳим мезон экани таъкидланган. «Авесто»да ёзилишича, инсоннинг яшашидан мақсади метиндек эътиқодли бўлиб, юртни обод, элни фаровон, турли қавмларнинг бир-бири билан дўст, қарияларни қадрлаб, эъзозлаб, улар насиҳатларига риоя этиб, қариялар билан ёшлар бир-бири билан инок, баҳамжихат бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Бу мавзуга бағишлиланган асарлар сифатида Марк Тулий Цицерон (эрамизгача 106-43 й.)нинг «Катта Катон кексалик ҳақида» ва Абу Али ибн Сино (980-1037 й.)нинг «Тиб қонунлари» асарини айтиш мумкин. Мазкур асарларни асрлар ажратиб туради, аммо қарилек муаммоларига бағишлиланган маҳсус ва ilk тадқиқотлардан бўлганлиги уларни бирлаштиради.

Кексалик масаласига Абу Наср Форобий, Ризоуддин ибн Фахриддин ва бошқа Шарқ алломалари ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Кайковус «Қобуснома» асарида қуйидагиларни ёзади: «Ҳар киши ота-она (асли)нинг яхшилигини билмаса, бироннинг яхшилигига баҳо беролмайди. Ўз фарзандинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳақига нима иш қилсанг, фарзандларинг ҳам сенга шундай

иш қиласи»<sup>1</sup>. Инсоннинг ота-онаси барҳаёт чоғлари энг баҳтиёр, энг масъулиятли ва ғанимат дамлардир. Шу боис имкон қадар уларни рози қилиш ва дуоларини олиш ҳар бир оқил фарзанднинг муқаддас бурчидир.

Ризоуддин ибн Фахриддин «Илми ахлоқ» китобида: «Нақадар баҳт ва мартабаларга эришган бўлсангиз-да, ота-оналарингизни ҳеч вақт унутмангиз! Уларга итоатли бўлиб, ҳурмат қилингиз! Насиҳатларини тинглаб, ризоликларини олингиз!»<sup>2</sup> дея уқтирган. XX аср бошларида яшаб ўтган М.Беҳбудий, А.Фитрат каби маърифатпарварларнинг асарларида жамият тараққиётида кексаларнинг ўрни, уларни қадрлаш мезонлари ҳакида фикрлар билдирилган.

Бугунги кунда дунёда кексайиш ва кексалик муаммолари халқаро аҳамиятга молик ижтимоий-социологик масалага айланмоқда. Бунда кексайиш жараён, кексалик унинг натижаси сифатида тушунилмоқда. Кексайиш жараёни шахснинг ўрта ёшдан қари ёшлилар гурухига ўтиши билан ҳарактерланади. Кексайиш барча жараёнлар каби бир қанча босқичлардан иборат бўлиб, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти бу борада учта тадрижий босқични белгилайди: 60 ёшдан 74 ёшгача – кексалик, 75 ёшдан 89 ёшгача – қарилек, 90 ёш ва ундан катта ёш узоқ умр кўрувчилар. Фикримизча, кексаликнинг жаҳон миқёсидаги аниқ стандарти бўлиши мумкин эмас. Чунки кексаликни даврларга бўлиш муайян мамлакатдаги ўртacha умр кўриш даражаси билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши лозим. БМТнинг Статистик бюроси ва аҳоли бўлими ҳамда миллий статистик ташкилотларнинг маълумотларига кўра, ўртacha умр кўриш даражаси Европада эркаклар орасида – 71 ёш, аёллар ўртасида – 79 ёш, дунё бўйича эса шунга мос равишда 64 ёш ва 68 ёш. Ўзбекистонда 2022 йил 1 январь ҳолатига ўртacha умр кўриш 73 ёш, эркаклар учун 71,7 ва аёллар учун эса 75,8 ёшни ташкил этади<sup>3</sup>. Ўзбекистон учун қуйидаги босқичлар мос келади: 60–69 ёш – кексалик, 70–84 ёш – қарилек, 85 ёш ва ундан катталар – узоқ умр кўрувчилар.

Қуръони каримнинг «Наҳл» сураси, 70-оятида «тубан умр» кўриш ибораси ишлатилади, яъни қариб қартайган ёш. Шу неча ёшдан бошланади деган масалада турли тавсирлар бор: бирида 60 ёш деса, бошқасида 75 дан, яна бир ривоятда 80 дан, бошқасида 90 дан кейин бошланади, дейилади.

Фарзанд гўдаклигига ота-онага қанчалик мухтож бўлса, ота-она кексайганида фарзандларининг ёрдамига шунчалик зарурат сезади. Зоро, Аллоҳ таоло марҳамат қиласида, «биз кимга узоқ умр берсак, унинг вужудини ҳам (эгик, заиф) қилиб қўюрмиз. Ахир ақл юргизмайдиларми?!» (Ёсин сураси, 68-

<sup>1</sup> Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1992. – Б.176.

<sup>2</sup> Ризоуддин ибн Фахриддин. Илми ахлоқ. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б.60.

<sup>3</sup> <https://aniq.uz/yangiliklar/uzbekistonda-aholining-urtacha-umr-kurish-davomiyligi-necha-yosh>

оят). Оилада кексаларнинг борлиги – бу баҳт. Бу ҳақда Расуллуллоҳ шундай деганлар: «Агар ораларингизда мункиллаган қариялар, ўтлаб юрган жонзотлар ва эмизикли чақалоқлар бўлмаганида эди, бошингизга балолар селдай оқиб келарди».

Қуръони каримнинг «Ал-исро» сураси, 23-24-оятларида: Ота онага яхшилик қилиш амр этилди. «Эй инсон, агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф» дема ва уларни жеркима! Уларга доимо ёқимли сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва дуода: «Эй Раббим! Мени улар гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, сен ҳам уларга раҳм қилгин, деб айт».

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, ота-онанинг фарзанди олдида қуйидаги бурч ва мажбуриятлари мавжуд: ота-она фарзандини ҳалол ризқ билан боқиши; болага чиройли ва маъноли исм қўйиш; имкони бўлса ақиқа қилиш (зиёфат бериш); ўғил бола бўлса суннат қилиш; ҳамма фарзандларини бир хилда қўриш; фарзандларини яхши кишилар билан дўст тутишига эътибор бериш; болани одобли қилиб тарбиялаш; яхши ва ёмонни ажратишига ўргатиш; касб-хунар ва билим олишга ўргатиш; уйланиш ёшига етсалар уйлантириши зарур.

Ёшларни ҳам ота-оналари олдида қуйидаги ўз мажбуриятлари мавжуд: Отага муҳаббатингни сақла, отага муҳаббатингни йўқотсанг, Аллоҳ сени турли файзлардан маҳрум қилур; Аллоҳ оталар номи билан онт ичмоқни тақиқлайди; отасининг вафотидан кейин ҳам унинг ҳаёт вақтидаги дўстларини дўст тутган одам яхшиларнинг яхшисидир; сенинг ўзинг ҳам молинг ҳам отангницидир; отасининг яқинларини зиёрат қилиш; отанинг дўстини ҳурмат этмоқ яхшидир; инсонларнинг карами динидадир, муруввати ақлидадир, обрўси ахлоқидадир.

Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳозирги кунда дунёда кўплаб самарали моделлар мавжуд. *Биринчи модел* Швецияда қўлланилаётган модел бўлиб, унга қўра, давлат ижтимоий ҳимоя соҳасидаги барча масъулиятни ўз зиммасига олади. Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий кафолатнинг муҳим йўналишини пенсия билан таъминлашга оид чора-тадбирлар ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда пенсия ёши турлича белгиланган. Италияда эркаклар учун – 60 ёш, аёллар учун – 50 ёш, Францияда эркак ва аёллар учун бир хил – 60 ёш, АҚШ, Германия, Швеция, Канада ва Испанияда ҳар икки жинс учун ҳам 65 ёш қилиб белгиланган. *Иккинчи модел* Австрия, Германия, Италия, Францияда қўлланиладиган консерватив модел бўлиб, унда пенсияни ҳисоблаб чиқишида иш ҳақи кўрсаткичини ўзgartириш тартиби мавжуд (индексация). Шу билан бирга, иш ҳақининг умумий нархга нисбатан тез ўсиши ва

пенсионерларнинг турмуш даражаси ишлайдиган фуқароларнига мувофиқ равишда ортиб бориши зарурлиги эътиборга олинади. Учинчи модел АҚШ, Канада, Австралия, Буюк Британияда қўлланиладиган либерал модел бўлиб, унга асосан, пенсияни ҳисоблаб чиқишида яшаш шароити қўрсаткичидан фойдаланилади. Бундай ҳолда пенсия ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги тафовутни камайтириш мақсадида истеъмол моллари нархининг ошиши муносабати билан пенсионерлар кўрадиган зарарни қоплайдиган миқдорда пенсияга қатъий қўшимчалар қўшилади. Бу усул ижтимоий муҳофазанинг бир шакли бўлиб ҳисобланishi илмий асосланган.

Ривожланган мамлакатларда умумий ижтимоий суғурта тизимидан ташқари хусусий тартибда тўланадиган қўшимча пенсиялар ҳам кенг қўлланилади. Францияда барча ёлланма ишчилар шундай қўшимча таъминот тизими билан қамраб олингани аниқланган. Пенсияси миқдори турмуш кечиришга етмайдиган пенсионерлар алоҳида ҳимояланган бўлиб, муҳтоҷларга ёрдам берувчи жамият ва жамғармалар, идораларнинг эътибори бевосита уларга қаратилган. Бундай фаолиятга муруват кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар тизими жалб этилади. Ривожланган мамлакатлар қонунларида ўз ифодасини топган, яъни хусусий пенсия жамғармалари яхши фаолият кўрсатмай, етарли пенсия миқдорини таъминлай олмаса, ҳукумат 20 йилдан кам бўлмаган даврда янги пенсия тизимига суғурта бадали тўлаб борган фуқароларга яшаш учун зарур бўлган энг кам харажатлар миқдорида пенсия тўлашни кафолатлайди.

## ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, хulosса қилишимиз мумкинки, бугунги кунда кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жараёнини социологик ёндашувлар асосида тадқиқ қилиш жамиятнинг барча тузилмалари ўртасидаги уйғунлик ва мутаносибликни таъминлаш имконини беради. Жумладан, Ўзбекистонда кексаларга бўлган ҳурмат, эътибор миллий менталитетимизнинг мазмун-моҳиятини ифода этиши, олиб борилган изланишларимиз, хорижий давлатлар тажрибаси ўлароқ, ўтказган қиёсий таҳлилларимиз асосида кексаларнинг ҳаёт фаолиятини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, уларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича қўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 мартағи ПҚ-167-сон «Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бугунги кунда кексалар ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш масалалариға

бағишиланган. Мазкур қарорда «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ва нуронийлар ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида давлат хизматлари қўрсатилишини таъминлаш» назарда тутилган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Курьони карим. – Тошкент, Ислом университети, 2001 йил.
2. Мирзиёев Ш.М. 2022 йил 15 мартдаги ПҚ-167-сон «Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори
3. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1992. – Б.176.
4. Ризоуддин ибн Фахриддин. Илми ахлоқ. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б.60.